



## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИНГ БАНДЛИК ДАРАЖАСИ СТАТИСТИКАСИ

*Миролимов Мирислом Миршокир ўғли -  
Тошкент давлат иқтисодиёт  
университети докторанти*

[doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss3/a36](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a36)

**Аннотация.** Ушбу мақолада Тошкент вилояти меҳнат ресурслари сони, меҳнат ресурсларига талаб ва таклиф кўрсаткичлари, ишсизлик даражаси ва меҳнат бозори билан боғлиқ муаммоларини ёритиш ўрганилган. Тошкент вилоятида доимий аҳоли сони, меҳнат бозорининг асосий кўрсаткичлари, меҳнат ресурсларининг вилоят ҳудудлари бўйича тақсимланиши таҳлил қилинган. Қолаверса, Тошкент вилоятида иш билан банд бўлган аҳоли сони динамикаси ва меҳнат ресурслари сони ўсиш динамикаси таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** меҳнат ресурслари, меҳнат бозори, иш билан бандлик, ишсизлик даражаси, меҳнат ресурслари тасимланиши, ўртача аҳоли сони.

## СТАТИСТИКА УРОВНЯ ЗАНЯТОСТИ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

*Миролимов Мирислом Миршокир ўғли -  
Докторант Ташкентского  
государственного экономического университета*

**Аннотация.** В данной статье изучены количество трудовых ресурсов, показатели спроса и предложения на трудовые ресурсы, уровень безработицы и проблемы, связанные с рынком труда Ташкентской области. Проанализированы количество постоянных жителей Ташкентской области, основные показатели рынка труда, распределение трудовых ресурсов по регионам области. Кроме того, проанализирована динамика численности занятого населения и динамика роста численности трудовых ресурсов по Ташкентской области.

**Ключевые слова:** трудовые ресурсы, рынок труда, занятость, уровень безработицы, размещение трудовых ресурсов, средняя численность населения.

## STATISTICS OF THE LEVEL OF EMPLOYMENT OF LABOR RESOURCES OF THE TASHKENT REGION

*Mirolimov Mirislam Mirshokir ogli -  
Doctoral student of  
Tashkent State University of Economics*

**Abstract.** In this article, the number of labor resources of the Tashkent region, indicators of demand and supply of labor resources, the level of unemployment and the problems related to the labor market are studied. The number of permanent residents in the Tashkent region, the main indicators of the labor market, and the distribution of labor resources by regions of the region were analyzed. In addition, the dynamics of the number of employed population and the dynamics of growth in the number of labor resources in Tashkent region were analyzed.

**Keywords:** labor resources, labor market, employment, unemployment rate, distribution of labor resources, average population

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги “Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-366-сон қарорида ҳам мамлакатимизда меҳнат ресурсларини ривожланган давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда бугунги куннинг энг замонавий стандартлари асосида ривожлантириш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш тизимини такомиллаштириш борасида бир қатор вазифалар белгилаб берилган[1]:

Мамлакатимиз ҳудудларида аҳоли сонининг ўсиб бориши, иқтисодий тараққиёт ва инсон салоҳиятини ривожлантириш, ижтимоий

ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини янада ислоҳ қилиш, жойларда қулай тадбиркорлик ва инвестиция муҳитини ривожлантириш кўп жиҳатдан меҳнат ресурслари шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлади. Шу сабабли, меҳнат бозорида меҳнат ресурсларига талаб ва унинг таклифи ўртасида номутаносиблик юзага келиши фақатгина иқтисодий ўсишга таъсир кўрсатиб қолмасдан, иқтисодиёт рақобатбардошлигига ҳам зарар келтиради. Бугунги кунда меҳнат бозорида ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг тенденцияларини аниқлаш, ундаги меҳнат ресурсларига талаб ва таклифнинг ҳудудлар бўйича параметрларини тизимли истиқболлаштириш ва мониторинг қилиш механизм-

ларини янада такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Республика иқтисодиётида бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши бевосита меҳнат бозорининг самарали фаолиятига, унинг таркибий-миқдорий ва сифат кўрсаткичларига таъсир этмоқда. Маълумотларни таҳлил қилиш натижасида шу маълум бўладики, 2022 йилга келиб аҳоли мутлақ миқдорининг ўсиши 2000 йилга нисбатан 25,1%га кўпайгани ҳолда, шу давр мобайнида иқтисодиёт тармоқларида бандлар сони 79,3 %га ортган. Мустақиллик даврида меҳнат ресурслари миқдорининг ўсиши (75,9 %) иқтисодиётда бандлик даражасининг ўсишидан юқори бўлди. Юқоридаги маълумотлар асосида шуни айтиш мумкинки меҳнат ресурслари сони 2022 йил 2000 йилга нисбатан 391,4 яни 75,9 %; меҳнат ресурслари жами аҳоли сонига нисбатан 2022 йил 116,8 яни 16,8 %; иқтисодиётда бандлар сони эса 77,3 %; иқтисодиётда бандлар сони жами аҳоли сонига нисбатан 2022 йилда 14,3 % ошганлигини, фақатгина 2022 йил иқтисодиётда бандлар жами меҳнат ресурслари 2000 йилги сонига нисбатан 0,5 % пасайганини кўришимиз мумкин бўлади.

**Адабиётлар шарҳи.** Маҳаллий тадқиқотчилар Ш.Р. Холмуминов ва Н.У. Арабовлар [2] меҳнат бозори инфратузилмаси ва унинг таркибий қисмлари ўзаро узвий боғлиқлиги илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилиб, уни ривожлантириш самарадорлигини комплекс баҳолаш ва истиқболлаштириш услубияти ҳамда давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари шаклланиши ва ривожланишининг асосий йўналишлари аниқлаганлар. Шунингдек, меҳнат бозорини тартибга солишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш ва меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини оширишнинг стратегик концепцияси ишлаб чиқилган.

А.Э. Котляр меҳнат бозори субъектларининг иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришда анча тор ёндашувда бўлган [3]. Бундай ёндашув меҳнат бозорини ишдан озод бўлган меҳнатга лаёқатли шахслар билан чеклайди, бундай кишилар муайян вақтларда ўқишдан ёки ишдан бўш бўлиб, ишсиз қоладилар ва бошқа иш жойи қидираётган ёки биринчи марта меҳнат фаолиятига киришаётган бўладилар. Бундай назария намояндалари меҳнат бозорини одамнинг меҳнат қилишга бўлган қобилиятини айирбошлаш бўйича келишув жараёни билан чегаралайдилар ва бу қобилиятдан фойдаланиш меҳнат бозоридан ташқарида, меҳнат жараёнида рўй беради, деб таъкидлашади.

Россиялик иқтисодчи олим В.А. Павленков [4] ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Қ.Х. Абдурахмонов меҳнат бозори субъектлари-

нинг иқтисодий манфаатларини кенгайтирилган ҳолда талқин қилишни мақбул кўрадилар [5].

Меҳнат бозори субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимини тартибга солишга мўлжалланган уларнинг иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштириш механизмини ўзаро муносабатларнинг қуйидаги иккита даражасига татбиқан кўриб чиқиш мумкин: – иқтисодиётнинг асосий таркибий бўғини сифатида давлат билан ташкилотлар ўртасида; – ташкилотнинг асосий ресурси сифатида ташкилотлар билан уларнинг ёлланма ходимлари ўртасида [6].

Уларнинг фикрига кўра, ҳозирги вақтда банд бўлган ишчи кучи бутунлай истеъмол қилинган ва бозордан чиқиб кетган деб ҳисобланиши мумкин эмас. Ишлаб чиқариш жараёни бандлик шартини узлуксиз ўзгартириб туради, ходимларнинг ҳудудий ёки касбий ҳаракати, меҳнатга ҳақ тўлаш борасидаги лавозим ва ҳоказо масалалар вужудга келади. Меҳнат бозорининг моҳиятини ифодаловчи ходимлар билан иш берувчилар ўртасида қарор топадиган ишчи кучини сотиш-сотиб олиш муносабатлари ходимлар ишга жойлашгандан кейин ҳам давом этади.

Юқорида келтириб ўтилган бир қатор фикрларга асосан, биз иккинчи гуруҳ олимлари фикрига қўшилган ҳолда, иш билан бандлик ҳам меҳнат бозорининг таркибий қисми эканлигини тўғри деб ҳисоблаймиз, чунки ходим ўз меҳнат лаёқатини сотиш шароитлари, унинг баҳосини келишиб олиш ишлаб чиқариш жараёнида ҳам давом этади. Шунингдек, иш ўринларининг барқарорлиги, меҳнатни рағбатлантириш масалалари, унинг самарадорлиги, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифга таъсир кўрсатадиган иш ҳақини шакллантирувчи нобозор омиллар (давлатнинг иш ҳақини тартибга солиш тадбирлари, касаба уюшмалар фаолияти, иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналардаги самарадорлик омиллари, ходимларнинг корхонада иш ўринлари бўйича ҳаракатланиши иш билан бандликда содир бўлади.

**Тадқиқот методологияси.** Мақолада илмий мушоҳада, тизимли ёндашув ва индукция ва дедукция каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди. Жаҳондаги мавжуд усул ва ёндашувлар таҳлилларига асосланиб, Тошкент вилояти меҳнат ресурслари сони динамикаси ва уни ривожлантиришдаги муаммо ва ечимлари бўйича таклиф ишлаб чиқилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Маълумотларни таҳлил қилиш натижасида шу маълум бўладики, Тошкент вилояти аҳолиси ва меҳнат ресурслари салмоғини 2015 йил ва 2022 йиллар оралиғида қай даражада ўзгарганлигини кўрамиз. Тошкент вилояти доимий аҳолиси сони 2015 йилда

2758,3 (минг киши) ташкил этган бўлса ушбу кўрсаткич 2022 йил 2992,6 (минг киши)ни, 2016 йил 2794,1 (минг киши), 2017 йилда 2829,3 (минг киши), 2018 йилда 2861,2 (минг киши), 2019 йилда 2898,5 (минг киши), 2020 йилда 2941,9 (минг киши) ва нихоят 2021 йилда ушбу кўрсаткич 2975,9 (минг киши) ташкил этган.

Шу йил оралиғида меҳнат ресурслари ҳам тегишли тарзда ўғариб борган 2015 йилда меҳнат ресурслари 1609,6 (минг киши) ташкил қилган бўлса 2022 йилга келиб 1696,8 (минг киши) ташкил этган. Банд бўлганлар сони эса сезиларли даражада ўзгарган. Ушбу кўрсаткич 2015 йилда 1281,8 (минг киши) ташкил этган бўлса 2021 йилда 1246,9 (минг киши)ни ташкил этган. Ишсизлар сони иқтисодий фаол аҳоли сонининг меҳнат ресурслари сонига нисбатан %да 2015 йилда 75,8 (%)ни ташкил этган 2021 йилда эса 77,6 (%)ни ташкил этганлигини таъкидлашимиз мумкин бўлади.

Меҳнат бозори бўйича ахборотни жамлаш ва гуруҳлаш кейинги таҳлил учун бошланғич материал хизматини ўтайдиган кўрсаткичларнинг маълум тизимига эга бўлиш имконини

беради. Бунда ҳам статистика умумий назарияси ишлаб чиқадиган усуллардан фойдаланилади. Миллий иқтисодиётни эркинлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш устувор йўналишларидан бири аҳоли бандлигини таъминлаш ва унинг турмуш даражасини юксалтириш ҳисобланади. Ушбу соҳадаги муносабатларнинг бозор иқтисодиёти шароитида шаклланиш қонуниятлари ва ривожланиш тенденцияларини миқдорий таҳлил қилишда замонавий фан-техниканинг самарали қуролларидан саналган статистик моделлаштириш ва компьютер технологияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Статистик таҳлил меҳнат бозоридаги мувозанатликни ва уни бошқариш, тартибга солиш ва мувофиқлаштиришда қўлланиши натижасида аҳоли бандлигининг ҳақиқий ҳолати, ривожланиш динамикаси ва йўналиши, бозор шароитидаги долзарб муаммо ҳисобланган ишсизлик ва уни бартараф этиш юзасидан қарор қабул қилиш учун зарур бўлган аниқ ва ишончли ахборотларга эга бўлинади.

1-жадвал

Тошкент вилояти меҳнат ресурслари таркибининг ўзгариш динамикаси (ўртача йиллик сони)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2022 йилда 2015 йилга нисбатан ўсиши, %
Доимий аҳоли сони	минг киши	2758,3	2794,1	2829,3	2861,2	2898,5	2941,9	2975,9	2992,6	108,5
Меҳнат ресурслари	минг киши	1609,6	1617,7	1624,1	1627,2	1607,3	1615,4	1627,0	1696,8	105,4
Банд бўлган аҳоли сони	минг киши	1281,8	1287,6	1289,6	1227,7	1232,9	1177,2	1246,9	1206,7	94,1
Ишсизлар сони	% да	4,1	4,1	5,2	9,0	8,9	10,5	9,4	8,8	214,6

Манба: Статистика агентлигининг Тошкент вилоят бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича тақсимланиши шунини кўрсатадики Республикада 2022 йилда жами меҳнат ресурслари 19334,9 минг кишини ташкил этган бўлса, шундан 8,4 %, яъни 1622,5 минг киши Тошкент вилояти ҳиссасига тўғри келади. 2021 йилда меҳнат билан банд бўлганлар 13538,9 минг кишини ташкил этиб, Тошкент вилояти ҳиссаси 9,21 %ни, яъни 1246,9 минг кишини ташкил этган[7].

Мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлашда фаол иштирок этиш тижорат банкларининг асосий мақсадларидан бири бўлиб, бунда банкларнинг молиявий ҳолатида мавжуд бўлган циклик нобарқарорликни «силлиқлаш», молия ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланиш, молиявий барқарорлик даражасидан истиқболда максимал иқтисодий ўсиш суръатига эришиш, пировард натижасида банк кредит портфелини самарали тартибга солишнинг ус-

тувор йўналишларини белгилаб олиш такозо қилинади[8].

Албатта ушбу жараёнда қишлоқ жойларининг ўзига хос ўрни борлигидан келиб чиққан ҳолда, асосий эътибор шунга қаратилаётганлигини таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда яратилган янги иш ўринларининг 60,4 фоизи қишлоқ жойларда яратилган бўлиб, уларнинг учдан икки қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда касаначиликнинг барча шакллари ривожлантириш ҳисобига тўғри келса, қолгани эса, фермер хўжаликларида паррандачилик, ба-лиқчилик ва асаларичиликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларида, автомобиль йўллари ва темир йўл қурулиши ва реконструкцияси соҳасида, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларида, бозор инфратузилмаси ва бошқа соҳалар ҳисобига яратилган.

Тошкент вилоятида иш билан банд бўлган аҳоли сонининг ўзгариш динамикаси  
(ўртача йиллик сони)

Йиллар	Иш билан банд аҳоли сони, минг киши	Мутлақ қўшимча ўсиш, минг киши.		Ўсиш суръати, %		Қўшимча ўсиш суръати, %		1% қўшимча ўсиш (камайиш)нинг мутлақ қиймати, минг киши	
		Базисли	Занжирли	Базисли	Занжирли	Базисли	Занжирли	$\Delta_{i/i-1} : \Delta_{T_{i/i-1}}$	$Y_{i+1}/100$
2010	752,1	-	-	-	-	-	-	-	-
2011	784,4	32,3	32,3	104,3	104,3	4,3	4,3	7,521	7,521
2012	817,7	65,6	33,3	108,7	104,2	8,7	4,2	7,844	7,844
2013	843	90,9	25,3	112,1	103,1	12,1	3,1	8,177	8,177
2014	1272,4	520,3	429,4	169,2	150,9	69,2	50,9	8,43	8,43
2015	1281,8	529,7	9,4	170,4	100,7	70,4	0,7	12,724	12,724
2016	1287,6	535,5	5,8	171,2	100,5	71,2	0,5	12,818	12,818
2017	1289,6	537,5	2	171,5	100,2	71,5	0,2	12,876	12,876
2018	1227,7	475,6	-61,9	163,2	95,2	63,2	-4,8	12,896	12,896
2019	1232,9	480,8	5,2	163,9	100,4	63,9	0,4	12,277	12,277
2020	1177,2	425,1	-55,7	156,5	95,5	56,5	4,5	12,329	12,329
2021	1246,9	494,8	69,7	165,8	105,9	65,8	5,9	11,772	11,772

Манба: Статистика агентлигининг Тошкент вилоят бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, қишлоқ жойларида бундай ижобий натижаларга эришиш, авваламбор, давлат томонидан улар учун яратилган қулай ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва ижтимоий шарт-шароитлар, турли манбалар томонидан берилган кредитлар ҳажмининг ош-

ганлиги, солиқ ва бошқа амалий қўллаб-қувватлаш чоралари катта аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси жами иш билан бандлар сони динамикаси ва прогноз даражаларини тўғри чизиқли тренд тенгламасини тузиш ва қатор даражаларини текислаш тартибини кўриб чиқамиз.

Тошкент вилояти меҳнат ресурсларининг ўсиш динамикаси (минг киши)

Йиллар	Меҳнат ресурслари, минг киши	Шартли йиллар, t	t <sup>2</sup>	y*t	Y <sub>t</sub>	прогноз	t	Меҳнат ресурслари, минг киши
2011	1174,1	-6	36	-7044,6	1322,8	2023	7	1754,3
2012	1245,4	-5	25	-6227	1356,0	2024	8	1787,5
2013	1282,7	-4	16	-5130,8	1389,2	2025	9	1820,7
2014	1601,9	-3	9	-4805,7	1422,4	2026	10	1853,9
2015	1609,6	-2	4	-3219,2	1455,5	2027	11	1887,1
2016	1617,7	-1	1	-1617,7	1488,7	2028	12	1920,3
2017	1624,1	1	1	1624,1	1555,1	2029	13	1953,5
2018	1627,2	2	4	3254,4	1588,3	2030	14	1986,6
2019	1607,3	3	9	4821,9	1621,5			
2020	1615,4	4	16	6461,6	1654,7			
2021	1622,5	5	25	8112,5	1687,9			
2022	1635,3	6	36	9811,8	1721,1			
Жами :	18263,2	0	182	6041,3	18263,2			

Манба: Олинган маълумотларга асосан: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Тошкент вилояти жами меҳнат ресурслари сони учун:

Бунда:

$$a_0 = \frac{\sum y}{n} = 1521,9 \text{ минг киши}$$

$$a_1 = \frac{\sum Yt}{\sum t^2} = 33,2 \text{ минг киши}$$

Демак,  $Y_t = 1521,9 + 33,2 * t$

Олинган тренд модели бўйича қатор даражаларини текислаш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

Бундан, шу нуқтаи назардан Тошкент вилояти меҳнат бозорида 2011-2022 йилгача бўлган даврда ҳар йили камида 25-40 мингга янги иш ўринларини ташкил этилгани аниқланди. Янги ташкил этилган касб -хунар коллежлари ҳисобига ўрта малакали ходимлар салмоғи 21,2 фоизга ва олий маълумотли мутахассислар 6,3 фоизга ортган. Маълумот салоҳияти ўсишига қишлоқда ўрта мактаблар моддий-техник базасининг кенгайиши, янги касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг ишга туширилиши

хамда олий ўқув юртларида таълим олишга қизиқишнинг кучайиши катта таъсир кўрсатди. Ушбу муассасаларнинг бозор услубида ҳўжалик

юритишга ўтиши рақобат муҳитини юзага келтирди ва малакали ходимлар тайёрлаш имконияти кўпайтирди.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси ва Тошкент вилояти меҳнат бозори конъюнктураси (минг киши)

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

1-расм маълумотларини таҳлил қилиш натижасида шу маълум бўлдики, Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорига талаб 2010 йилда 463,1 минг кишини, таклиф эса 658,2 минг кишини ташкил этган бўлса, 2021 йилда ушбу кўрсаткичлар талаб 62,5 %га ошиб 741,4 минг кишини ташкил этган бўлса, таклиф 45,7 %га ошиб 1441,9 минг кишини ташкил этган ҳолда 2021 йилда республикада ишсизлик 9,6 %ни ташкил этган. Тошкент вилоятида 2010 йилда меҳнат бозорига талаб 46,0 минг кишини тақил этиб, таклиф 49,7 минг кишига тенг бўлган. 2022 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда талаб 158,5 минг кишини, таклиф эса 126,5 минг кишини ташкил этиб, ишсизлик даражаси 9,4 %ни ташкил этган[9]. Жадвал маълумотлари асосида шуни таъкидлаш мумкинки, Республика-миз бўйича меҳнат бозорига талаб ўртача 65,3 минг кишига ортган. Таклиф эса 23,2 минг кишига ошган. Тошкент вилоятида ҳам меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ўртача 10,0 минг кишига ошгани ҳолда меҳнат бозорига ишчи кучи таклифи 6,2 минг кишига ўсганлигини кўришимиз мумкин бўлади.

**Хулоса ва натижалар.** Ўзбекистон олдида меҳнат ресурсларини самарали ишлатилишининг, шунингдек меҳнат ресурсларини жаҳон меҳнат бозорларига жунатиш орқали янги имкониятларни очиб берди. Халқаро савдо ва молиявий кредит муносабатларининг ривожланиши билан бирга давлат ўзининг меҳнат ресурслари миграцияси иштирокини кенгайтириш йўллари излаган ҳолда, ташқи иқтисодий фаолиятнинг асосий соҳаси сифатида қарайди.

Ўзбекистонда бу соҳанинг кучайтирилиши, аввалом бор инсонларга ўзларининг куч ва қобилияларини тўлиқлигича ишлатиш имкониятлари берилмоқда. Бундан ташқари меҳнат ресурслари экспорт қилиш қуйидагиларни:

- ишсизлик даражасини пасайтириш;
- персонални тайёрлаш ва қайта тайёрлашга бўлган харажатларни иқтисод қилишга;
- ишлаб чиқаришда тузилмавий ва технологик қайта қуришни ўтказишга энгиллик яратади;
- мамлакатга қўшимча чет эл валюта оқимининг келишини таъминлашга имкон беради. Буларнинг барчаси эса натижада республикада иқтисодиётнинг ўсишига олиб келади.

**Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 августдаги “Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-366-сон қарори. <https://president.uz/uz>
2. Холмуинов Ш.Р., Арабов Н.У. Меҳнат бозори инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технологиялар, 2016. 150-155-б.
3. Котляр А.Э. О понятии рынка труда // Ж. Вопросы экономики. – Москва, 2008. -№ 1. – С 34-35.
4. Павленков В.А. Рынок труда. –Москва: Общества Анкил, 2012 – С.34
5. Абдураҳмонов К. Х. Меҳнат иқтисодиёти. – Т.: Меҳнат, 2009. – 122-б.
6. Абдураҳмонов Қ.Х., Шоюсупова Н.Т. Аҳолини иш билан бандлиги. Ўқув қўлланма. – Т., 2011. - 291 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлиги расмий сайти. <https://Stat.uz>.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Статистика агентлигининг Тошкент вилоят бошқамаси расмий сайти. <https://Toshvilstat.uz>.
9. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги расмий сайти ва йиллик тўпламлари. <https://mehnat.uz>.